

«Сизларни нима (сабаб) ўтирғизди?» деди.

«Аллоҳнинг зикрини қилиб ўтирибмиз», дейишди.

«Аллоҳ ҳаққи, сизларни шундан бошқа нарса ўтирғизгани йўқми?» деди.

«Аллоҳга қасамки, бизларни бундан бошқа нарса ўтирғизгани йўқ», дейишди.

«Мен сизлардан тухмат юзасидан қасам ичишни талаб қилганим йўқ. Ҳеч ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга менчалик яқин манзилада бўлиб туриб, менчалик оз ҳадис айтган бўлмаган. Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларидан бўлган бир ҳалқа олдига бордилар ва:

«Сизларни нима (сабаб) ўтирғизди?» дедилар.

«Аллоҳнинг зикрини қилиб, бизни Исломга ҳидоятга бошлагани ва берган неъматлари учун ҳамд айтиш учун ўтирибмиз», дейишди.

«Аллоҳ ҳаққи, сизларни шундан бошқа нарса ўтирғизгани йўқми?» дедилар.

«Аллоҳга қасамки, бизларни ундан бошқа нарса ўтирғизгани йўқ», дейишди.

«Мен сизлардан тухмат юзасидан қасам ичишни талаб қилганим йўқ. Лекин ҳузуримга Жаброил келиб, Аллоҳ азза ва жалла фаришталарга сизлар билан фахрланаётганининг хабарини берди», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилган.

Муовия розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайноғалари ҳамда ваҳий котибларидан бири бўлишларига қарамай, ҳадиси шарифларни оз ривоят қилганлар. Ушбу ҳадиси шариф ана шу оз сонли ривоятлардан биридир. Бу омил ривоятнинг ўта аниқлигини билдиради.

Бу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Зикр ҳалқалари қуриш катта фазилат экани.

2. Зикр ҳалқаларини масжидларда қуриш яхши иш экани.
3. Зикр ҳалқаларини қуришдан мақсад холис бўлиши кераклиги.
4. Бир маънони таъкидлаш учун иккинчи томондан қасам ичишни сўраш мумкинлиги.
5. Аллоҳ аzza ва жалла мухлис зокирлар билан фаришталар олдида фахрланиши.
6. Жамоат бўлиб зикр қилиш жоизлиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан